КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

„ДЕТСКАЯ ЛИТЕРАТУРА“ НАШРИЁТИ ХОДИМЛАРИ КОЛЛЕКТИВИГА

Азиз ўртоқлар!

Максим Горькийнинг яқин иштироки билан тузилган «Детская литература» нашриётининг 30 йиллиги муносабати билан сизларни чин кўнгилдан қутлайман.

Ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялаш партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Болалар учун яратилаётган совет адабиёти бу олижаноб ва фахрли ишда катта роль ўйнаши лозим, сизларнинг коллективингиз бу адабиётни нашр этишга ўзининг кучи, таланти ва билимларини сарфламоқда.

Уттиз йил ичида нашриёт умумий тиражи бир ярим миллиард нусхадан ортиқ бўлган 12 минг тадан кўпроқ китоб чиқарди.

Мамлакатимизда ёзувчилар, рассомлар, нашриётчилар ва полиграфчиларнинг меҳнати билан болалар учун ёрқин ва мароқли адабиёт яратилди, бу адабиёт ёш китобхонларнинг маънавий қиёфасини шакллантирмоқда, уларни оташин ватанпарварлар, чин интернационалист-ленинчилар қилиб тарбияламоқда.

Болалар ва ёшларнинг билимларга меҳр-муҳаббатли, шижоатлар кўрсатишга интиладиган, меҳнатсевар, коммунистик жамият кишисининг юксак маънавий ҳислатларига эга бўлган кишилар қилиб тарбиялаш болалар адабиётининг фахрли вазифасидир.

Сизларга катта ва фахрли ишингизда чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

1963 йил 16 декабрь.

Москва, 16 декабрь. Олтинчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг очилиши. Суратда: СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат П. Ф. Ломако доклад қилмоқда. Н. Ситников ва А. Стужин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 248 (2539). | 18 декабрь, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ХИМИЯ—ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАЛИТИ

ЎҒИТ КЎП—ҲОСИЛ МЎЛ

Биз яхши ишлов берилган ва белгиланган миқдорда ўғит солинган ерлардан мўл ҳосил кўтардик. Колхозимиз аъзолари гектар бошига 24 центнердан пахта олиб, йиллик планни пешқадамлар қаторида бажардилар. Гектаридан 26—28 центнердан хирмон кўтариб, социалистик мажбуриятни бажарган бригадаларимиз ҳам химиянинг махсули бўлган ўғитнинг аҳамиятига катта баҳо бермоқдалар.

Бизнинг тилагимиз шуки, кимёгарлар турли-туман ўғитлар тайёрлашда янги ютуқларга эришсинлар. Бу билан улар биз деҳқонларга катта ёрдам берган бўладилар.

Т. А. ЭМ.

Урта Чирчиқ. «Северний маяк» колхозининг раиси.

ЗАКАЗЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛАДИ

Цехимиз коллективи катта химия корхоналарини катализаторлар билан таъминлайди. Бу жуда ҳам қимматли ва кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотдир. Шунга қарамай ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз миқдори йил сайин ошиб боряпти. Шу кеча-кундузда заказчи корхоналарни 1953 йилга нисбатан 2 ярим марта кўп катализаторлар билан таъминламоқдамиз.

1961 йил коллективимиз учун катта муваффақиятлар келтирди. Коммунистик меҳнат цехи номини олишга муваффақ бўлдик. Ҳамкасбларнинг шу кунлардаги меҳнат жасоратлари чакки эмас. Ойлик планларни доимо ортиғи билан адо этиб келаяпмиз.

Салават, Лисичанск, Фарғона шаҳарларидаги химия комбинатларидан бизга кўплаб заказлар тушаяпти. Уларни бекаму-кўст бажариш бизнинг бурчимиздир.

С. ШЕРНАЗАРОВ,

Чирчиқ электрохимия комбинати катализатор цехининг ишчиси.

УЛУҒ ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

16 декабрда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди. Палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлислари ўтказилди. Иттифоқ Совети—Кремль театрида, Миллатлар Совети—Катта Кремль саройида мажлис қилди.

Иттифоқ Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилги давлат плани тўғрисида. СССРнинг 1964—1965 йиллардаги давлат бюджети тўғрисида ва 1962 йилги СССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисида бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. С. Сенин**нинг қўшимча докладини тинглади.

Миллатлар Советида бюджет комиссиясининг раиси депутат **М. А. Яснов** шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди. Бундан ташқари, Миллатлар Совети иқтисодий комиссиясининг раиси депутат **О. И. Ивашченко** яқин икки йил ичида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани тўғрисида ва Давлат бюджети тўғрисида қўшимча доклад қилди.

Шундан кейин депутатлар **П. Ф. Ломако** ва **В. Ф. Гарбузов** ўртоқларнинг докладларини ва қўшимча докладларни муҳокама қилишга киришдилар.

17 декабрда Кремлда олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг СССР Олий Совети мажлислар залида ва Кремль театрида алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларида халқ вакиллари сессияга ҳавола қилинган 1964—1965 йилларда халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва мамлакатнинг давлат бюджетини муҳокама қилдилар.

Химия индустриясини ривожлантириш юзасидан партия белгилаган планни амалга ошириш коммунизм қуришдан иборат буюк ишга янги муҳим ҳисса қўшади. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорида бундай дейилади: «Бу программани амалга ошириш партия ва давлатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин, партия ва халқнинг яқин даврда бутун кучини шу программани бажаришга қаратиш зарур». Химия индустриясини ривожлантириш, халқ хўжалигини химиялаштириш масалалари сессияда сўзга чиққан ҳар бир кишининг нутқида ўз ифодасини топганлиги табиий бир ҳолдир.

Украина Министрлар Советининг раиси депутат **И. П. Казанец** Украина халқ хўжалигини ривожлантириш плани лойиҳаси химия саноатининг устун даражада ривожлантирилишини таъминлайди, деб таъкидлади.

Икки йил ичида химия ишлаб чиқариши ҳажми 36 процент кўпайди, жумладан пластмассалар, смола ва химиявий толалар ишлаб чиқариш қарийб 1,6 баравар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқариш 1,9 баравар ортади. Минерал ўғитлар 31 процент кўп ишлаб чиқарилади. Икки йил ичида улкан химиянинг 51 корхонасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳамда 8 та янги корхона қуриш кўзда тутилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Н. В. Мартинов** Ўзбекистонда пахтачиликнинг минерал ўғитларга ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қандай ишлар қилинаётганлиги тўғрисида гапирди. Етти йилликнинг охирига келиб республикада 2,5 миллион тоннага яқин минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Азотли ўғит ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан қарийб 4 баравар ортади. Минерал ўғит ишлаб чиқаришни ана шу миқдорда кўпайтириш учун ишлаб турган корхоналарнинг қувватларини ошириш ва янги корхоналар қуриш мўлжалланди. Жумладан, Чирчиқ ва Самарқанд химия корхоналари реконструкция қилинади, Фарғонада азотли ўғитлар заводи ва Ўрта Осиёда энг йирик Навоий химия комбинати қурилмоқда.

Республикада аммиак ва азотли ўғитлар ҳосил қилиш учун табиий газдан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бухоро газ конининг ишга туширилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида янги саҳифа очди. Ўртоқ Мартинов яна бир жуда муҳим масалага — металлургия ва химия корхоналарини оқилона кооперативлаштириш масаласига тўхталиб ўтади ва бу тадбир кўп манфаат келтираётганлигини айтади.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **И. Г. Кэбин** химия саноатини Эстония экономикасининг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш тўғрисида гапирди. Сланец химиясини ривожлантириш айниқса катта истиқболга эгадир. Республикада сланецдан хилма-хил маҳсулотлар — рўзғор учун керакли газ, полуфенол, бензол, олтингугурт, заҳарли химикатлар ва бошқа кўп элементлар ишлаб чиқарилмоқда. Сланецни қайта ишлаш жуда камчил химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини ҳам беради.

Эстониянинг қишлоқ хўжалиги азотли ўғитларга ғоят муҳтождир. Ленин номидаги сланец қайта ишлаш комбинатида 1965 йилда йилига 180 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган азотли ўғит заводи қуриш мўлжалланади. Сунъий сланец газидан аммиак ҳосил қилиш технологияси ишлаб чиқилди.

Озарбайжон эндиликда нефтгина эмас, балки улкан химия республикаси ҳамдир. Озарбайжон 40 йиллиги номли Сумгаит синтетик каучук заводининг директори **Бала Гусеин Имом қули ўғли Гусейнов** шу тўғрида ифтихор билан кенгаш қатнашчиларига сўзлаб берди. Ўтган беш йил ичида янги корхоналар ишга туширилди, маҳсулотнинг бир қанча муҳим турларини ишлаб чиқариш анча ортди. Озарбайжоннинг химия саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Химия саноатининг тараққиёт суръатлари республикадаги бутун саноатнинг тараққиёт суръатларидан анча ўзиб кетди. Аммо, дейди нотиқ, Озарбайжон етти йиллик план топшириқларидан ҳали кейинда қолмоқда. Янги корхоналар қуриш планининг бажарилмаётганлиги, корхоналарнинг кечикиб ишга туширилаётганлиги, шунингдек янги объектларда технология процессларини ўзлаштириш муддатларининг ғоят кечикаётганлиги ана шу қолоқликнинг сабабларидандир. Ўртоқ Гусейнов айтадики, ҳозирги вақтда республикада мавжуд камчиликларни йўқотиш учун кўп иш қилишмоқда 1964—1965 йилларда Озарбайжонда химия янада кўпроқ ривожлантирилади. Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини кўпроқ ишлаб чиқаришга ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади. Масалан, 1965 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1963 йилдагига нисбатан 22,3 баравар ортади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган химия маҳсулотининг сифатини яхшилашга жиддий эътибор берилади. Ўртоқ Гусейнов ўз нутқида ўсиб бораётган химия корхоналарини яхши тайёрланган мутахассис кадрлар билан таъминлаш зарурлигини таъкидлайди.

Улкан химия Тожикистонга ҳам кириб келди. Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси **Абдулахад Қаҳҳоров** сессия мажлисида шу тўғрида гапирди. Республика меҳнаткашлари, деди у, Тожикистонда химия индустриясининг тўнғичи — Вахш азотли ўғит заводи қурила бошлаши тўғрисидаги хабарни эшитиб ғоят хурсанд бўлдилар. Шундан кейин бошқа бир йирик корхона — Тожикистон электрохимия комбинати ишга туширилади. Бир қанча вақт ўтиши билан республиканинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилибгина қолмай, балки бу ўғитларни Тожикистондан бошқа жойларга жўнатиш имконияти ҳам туғилажагига аминмиз.

РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, РСФСР қурилиш министри **Н. Н. Качаловнинг** нутқи қурилиш масалаларига бағишланди. Россия Федерациясида,— деди у, республика Қурилиш министрлиги ташкил этилди. Республиканинг йириклаштирилган иқтисодий районларида 23 территориал бош бошқарма ишламоқда. Улар 470 дан кўпроқ қурилиш трестини бирлаштиради. Қурилишни бошқариш қайта ташкил этилганидан кейин ўтган қисқа давр ҳам партия ва ҳукуматнинг бу соҳада кўрган тадбирлари ўз вақтида амалга оширилган ҳаётий тадбирлар эканлигини кўрсатади. Министрлик ва унинг территориал бош бошқармалари қурилишларга тобора конкрет ва оператив раҳбарлик қилмоқдалар. Бунинг натижасида қурилиш ташкилотлари яхшироқ ишлай бошлади.

Аммо, деб таъкидлайди ўртоқ Качалов, бизнинг қурилишларимизда ҳали нуқсонлар кўп. Биз мавжуд резерв ва имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаётирмиз, бир қанча объектларда йўл қўйилган қолоқликка ҳали барҳам бера олинганича йўқ. Кўп ҳолларда, шу жумладан улкан химия қурилишларида ҳам заказ берувчиларнинг техника хўжжатларини узоқ вақт кечиктиришлари ва технология машина-ускуналари ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, кўпинча уларнинг паст сифатда бўлиши натижасида қўшимча қийинчиликлар юз берди.

Афсуски, дейди нотиқ, айрим масъул ходимларда энг муҳим объектларни сифатли техника хўжжатлари ва машина-ускуналар билан ўз вақтида таъминлаш ўзлари учун ҳамиша ҳам энг зарур шарт эмас деган нотўғри фикр пайдо бўлди. План органлари ҳам бунга йўл қўйиб бермоқдалар. Бу органлар кўп ҳолларда пудратга бериладиган қурилиш ишлари планларига тузатиш киритишдан бош тортмоқдалар ва шу соҳа учун ажратилган капитал маблағлар миқдорини камайтирмаслик учунгина нореал объектларни бу планлардан чиқариб ташламаётирлар.

Қувватларни ўз вақтида ишга тушириш учун, дейди ўртоқ Качалов, халқ хўжалиги кенгашлари ва заказчи корхоналарнинг, шунингдек тармоқ комитетлари ва лойиҳа ташкилотларининг масъулиятини ошириш яхши бўлур эди. Улар объектларнинг белгиланган муддатларда ишга туширилиши учун, лойиҳаларда кўрсатилган қувватларни тез ўзлаштириш учун қурувчилар ва корхоналарнинг ходимлари билан бир қаторда жавоб беришлари лозим.

Арманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **С. А. Мовсесян** лойиҳалаш ташкилотларининг ишидаги камчиликлар ҳақида гапирди.

Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **В. Ф. Промислов** капитал қурилишни тобора индустрлаштириш, бу қурилишнинг муддатларини қисқартириш ва қимматини камайтириш учун химия саноатини ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирди.

(Давоми келгуси сонда).

Сиз бу суратда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Полимерлар химияси институти катализаторларни синаш лабораториясининг мудири А. Султоновни кўриб турибсиз. Толмас тадқиқотчи А. Султонов КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми очилиши арафасида Москвада докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ С. И. КИСЕЛЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади**. Ўртоқ Сергей Иванович **Киселев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1963 йил, 14 декабрь.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ОМИЛИ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигини янги поғоналарга кўтаришнинг аниқ ва фойдали йўлларини кўрсатиб берди. Совет давлатининг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда қилган докладида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўллигига эришишнинг асосий омили бўлган химиянинг жуда катта афзалликлари бирма-бир санаб ўтилган.

Химия бизга ўғит беради, еримизга озуқа беради. Ана шу озуқани олган ер деҳқондан ўз неъматларини аямайди. Ахир ота-боболаримиз ер тўймагунча эл тўймас, деб бекорга айтмаганлар.

Буни тўғри тушунган бригадамиз ишчилари ўғит тайёрлашга, ундан тўғри фойдаланишга қарата бир қатор ишларни амалга ошира бошладилар. Ишчиларимиз 300 тонна компост, 200 тонна гўнг тайёрлаб қўйдилар. Булардан ташқари 50 гектар еримизни шудгорлашдан олдин суперфосфат билан етарли даражада озиқлантирдик.

О. ЭРМАТОВ,

Калинин бошқармасидаги «Партия XXI съезди» совхозининг бригадири.

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

ТУЙТЕПА (**Телефон орқали олинди**). «Северний маяк» колхозининг пахтакорлари шудгорлашни туғаллаш арафасида. Колхоз далаларида 11 та ҳайдов трактори ишлаяпти. Тракторчиларнинг ҳар бири бир кунда 7—8 гектар майдонни шудгордан чиқаришаяпти.

Василий Огай, Иссарион Цой, Анатолий Пономарев сингари илғор механизаторлар шу кунгача 80—90 гектардан майдонни сифатли қилиб ҳайдаб қўйишди.

Шунингдек, «Полярная звезда» колхозида ҳам келгуси йил мўл ҳосили учун шу кунларданоқ катта кураш кетяпти. Бу колхознинг азамат пахтакорлари «оқ олтин»дан юқори ҳосил олиб, йиллик планни аллақачон ортиғи билан адо этишди. Шу кунларда ғўзапоядан тозаланган пайкаллар пешма-пеш чуқур ҳайдалаяпти.

М. АБУБАКИРОВ.

Автомобилчилар ютуғи

Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлигига қарашли корхоналар йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашиб, катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Тошкентдаги 2-авторемонт заводи коллективи КПСС Марказий Комитети Пленуми очилган куни йиллик планни бажарди. Улар бу йил ўтган йилдагидан 37 процент кўпроқ капитал ремонт ишларини бажаришди. Завод ишчилари йил охиригача яна 140 минг сўмлик ремонт ишларини бажариш мажбуриятини олдилар.

В. ШАБЕРТ.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

ОКТЯБРЬ

Яқинда Октябрь район XXIX партия конференциясида район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Р. Бобожонова**нинг «КПСС Марказий Комитети ноябрь ва июнь Пленумлари қарорларининг бажарилабориши ва район партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар шуни қайд қилдиларки, район партия ташкилоти партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишда, янги кишини тарбиялашда муайян ютуқларни қўлга киритдилар.

Район саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг 11 ойлик планини 102,2 процент қилиб адо этди. Топшириқдагига қўшимча равишда деярлик 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганига қараганда 3,3 процент ошди, маҳсулот таннархи анча камайди.

Бир қатор завод ва қурилишлар коллективлари етти йилликнинг бешинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш имконини берадиган ички резерв ва имкониятларни ишга солдилар. Район саноат корхоналарида 200 та янги унумли ишлайдиган асбоб-ускуналар ишга туширилди. Қўшимча 800 квадрат метрга яқин ишлаб чиқариш майдони фойдаланишга топширилди.

Партия ташкилотлари корхоналарда техника даражасини янада ошириш, меҳнаткашларнинг ижодий фикри ва ташаббусларини кучайтириш, кадрларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидалари асосида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш масалалари билан чуқурроқ ва конкрет шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Партия пропагандасининг шакллари янада кўпайди, пропаганда ва агитация, оммавий-сиёсий ишлар коммунизм қурилиши практикаси билан узвий боғланган ҳолда олиб борилаяпти.

Лекин шу билан бирга район саноати ва қурилишида катта нуқсонлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Давлат планини бажармаётган корхоналар ҳам йўқ эмас, районда. 4-тикувчилик, бош кийимлар фабрикалари, кровать, селикат-керамика, 7-ғишт заводлари шулар жумласидандир. Капитал қурилиши кўнгилдагидек бормаётир.

— Трестимиз коллективи ўтган 11 ой давомида чакки ишламади,—деди биринчи бўлиб сўзга чиққан 159-қурилиш тресте бошқарувчиси ўртоқ **Абросимов**, — топшириқни 101 процент қилиб бажардик. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 18,5 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. Республикамиз пойтахтидаги бир қанча саноат корхоналарида қўшимча қувватларни ишга туширдик, 41 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди.

Нотиқ сўзини давом эттириб, қурилишни планлаштиришдаги чалкашликлар ҳақида гапирди. План қанчалик пухта ўйланиб тузилган бўлса, иш шунчалик яхши юришиб кетади, дейди у. Трест учун белгиланган бу йилги қурилиш-монтаж ишлари плани 25 марта ўзгартирилган. Бу эса қурилиш ишларини тез ва сифатли олиб боришга жуда катта тўсқинлик қилмоқда. Планлаштириш ташкилотлари бунга хотима беришлари керак.

Октябрь район партия-давлат контроль комитетининг раиси ўртоқ **Абдурасулов** бу комитетнинг ва унинг саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, илмий-текшириш институтлари, муассасалардаги кўмаклашувчи группалари фаолияти ҳақида батафсил сўзлади.

«Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитетининг раиси ўртоқ **Раҳмонов** турар-жойларда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, бу ишга жамоатчиликни, айниқса коммунистларни кенг жалб қилиш лозимлигини уқтириб ўтди.

Музокараларда, шунингдек бадиий буюмлар фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи **Голодец**, 2-автопарк директори **Чистохвалов**, район халқ маорифи бўлимининг мудири **Солнев**, «Узгоспроект» институтининг директори **Исроилов** ва бошқа ўртоқлар ҳам иштирок этдилар.

Конференцияда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Р. Н. Нишонов** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди ва шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

ЛЕНИН

Ленин район 27-партия конференциясида район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. В. Окунский** «КПСС Марказий Комитетининг ноябрь июнь Пленумлари қарорларининг бажарилабориши ва Ленин район партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

— Районимиз территориясидаги кўпчилик саноат корхоналари, — дейди у,— ўз топшириқларини ошириб адо этмоқдалар. Масалан, «Автотрактородеталь», Октябрь революцияси номли, химия-фармацевтика, каноп заводлари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларда меҳнат унумдорлиги кейинги вақтларда анча ошди, маҳсулот таннархи пасайди, миллионларча сўм қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Докладчи район саноат корхоналари бу йил 140 дан ортиқ янги хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари ҳақида гапирди. Корхоналарда жамоатчилик асосида 26 бюро ишлаб турибди. Рационализатор ва ихтирочилар ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бу йил 2 мингдан ортиқ таклиф тушган. Шундан 1700 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

— Лекин ишимизда катта камчиликлар ҳам мавжуд,— дейди нотиқ.— Айрим саноат корхоналари, масалан, Ленин номли, «Электробитприбор» заводлари, 6-босмахона ва бошқа корхоналар белгиланган топшириқни бажармаётир. Бунда шу корхоналар партия ташкилотларининг ҳам катта айби бор. Бу корхоналар 876 минг сўм кам фойда берди.

КПСС Программасида янги кишини тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Биз,—дейди нотиқ,— ўзимизнинг бутун куч-ғайратимизни ана шу катта вазифани ҳал қилишга қаратмоғимиз лозим. Районимизда идеология ишларини олиб боришнинг хилма-хил усулларидан фойдаланиляпти. Шу йилнинг ўзида 821 тўгарак, 300 дан ортиқ назарий семинар ташкил қилинди. Сиёсий маориф шохобчалари ва бошқа хил ўқишларга 40 мингдан ортиқ киши жалб этилган. Жуда кўп халқ университетлари ишлаб турибди. Яқинда коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси университети иш бошлади. 1300 га яқин киши пропагандистлик қиляпти. Улар махсус тайёргарликдан ўтказилди. Бу йил янгидан 13 та сиёсий маориф кабинети ташкил этилди. Шундан 9 таси жамоатчилик асосида иш олиб боряпти.

Бироқ, бу соҳада ҳам айрим камчиликлар учрайди. 36 та партия ташкилотида кадрларнинг сиёсий ўқиши ёмон ташкил қилинган.

— Ҳар бир коммунист, ҳар бир раҳбар ходим,— дейди провардида ўртоқ Окунский,— ўз бурчини яхши ҳис қилмоғи лозим. Районимиз коммунистлари ғоявий-тарбиявий ишларни бундан сўнг ҳам кучайтиришга алоҳида эътибор берадилар, янги кишини тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Шундан сўнг музокаралар бошланади. Музокараларда «Электротехника» заводининг директори **В. Ф. Фетисов**, қишлоқ хўжалик институтининг директори **А. Мирзаев**, Тошкент темир йўл бўлимининг бошлиғи **Я. В. Бахолдин**, граждан ҳаво флоти сиёсий бўлимининг бошлиғи **А. В. Ермаков**, «Электролампа» заводининг монтажчиси **Р. И. Гушчева**, район комсомол комитетининг секретари **З. А. Кораблева**, республика Фанлар академияси Химья институтининг илмий ходими **Н. Парпиев**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Халилов** ва бошқа ўртоқлар чиқиб сўзладилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **В. С. Скребнев** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди ва шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция район коммунистларининг юксак активлиги билан ҳамда ўз-ўзини танқид шиори остида ўтди.

ФРУНЗЕ

Фрунзе район XXIII партия конференциясида КПСС Марказий Комитети ноябрь (1962 йил) ва июнь Пленумлари қарорларининг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Муллаев** доклад қилди.

— КПСС Марказий Комитети ноябрь ва июнь Пленумлари партия ва халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди, партия ташкилотлари фаолиятини янада активлаштирди, дейди докладчи.

Фрунзе район меҳнаткашлари бу йил хўжалик ва маданий қурилишда катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Саноат корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини 102,1 процент қилиб бажардилар. Топшириқдагига қўшимча деярлик 4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 101,8 процент қилиб адо этилди. Маҳсулот таннархини белгиланганига нисбатан анча арзонлаштириш эвазига 800 минг сўмликдан кўпроқ фойда кўрилди.

Партия ва совет ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш бўйича маълум ишларни амалга оширдилар. Икки корхона абразив буюмлари комбинати, 3 та корхона бинокорлик материаллари комбинатига бирлашади.

Шу билан бирга район саноат корхоналари ишида катта камчиликлар ҳам содир бўлди. 4 та корхона давлат планини бажаришнинг уддасидан чиқолмади. Резина-техника буюмлари заводи (директори Лейбкинд, партия ташкилотининг секретари Зазулина ўртоқлар) «Химчистка» фабрикаси (директори Яхшиев, партия ташкилотининг секретари Назарюк ўртоқлар) жуда қониқарсиз ишлаяпти.

Айрим корхоналарнинг партия ва хўжалик раҳбарлари сон кетидан қувиб, сифатга эътибор бермаётирлар. Айниқса, сифат масаласи 2-тикувчилик ва 1-пойафзал фабрикаларида қониқарсиз аҳволда. Савдо ташкилотлари 19 минг жуфт оёқ кийими сортини пасайтирдилар. Тикувчилик фабрикасида маҳсулот сифатининг ёмонлиги туфайли 50 минг сўмлик зарар кўрилди.

«Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари ўртоқ **Рибченко** шундай деди:

Нотиқ машинасозлик корхоналарини ихтисослаштириш масаласига алоҳида эътибор берди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг кўплиги ихтисослашган корхона ва цехлар ташкил этишга халақит бераяпти. Технологик ва айрим маҳсулот тайёрлаш бўйича ихтисослаштириш жуда секин амалга оширилаяпти. Натижада бир хил маҳсулотлар бир неча корхоналарда тайёрланаяпти. Капитал маблағларни ихтисослашган машинасозлик заводлари ташкил этишга сарфлаш вақти етиб келди.

Резина-техника буюмлари заводи партия ташкилоти секретари ўртоқ **Зазулина** корхона раҳбарлари шаънига айтилган танқидларни тан олди.

— Давлат планини бажармаслигимизнинг энг асосий сабабларидан бири—хомашё таъминотининг ёмонлигидадир, — дейди у. — Масалан, шина цехи планни 50 процент атрофида бажарди. Бунга сабаб шуки, автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ремонт талаб покришкаларни ўз вақтида ва мунтазам етказиб турмади.

Ўртоқ Зазулина корхонани покришкалар билан таъминлашни тартибга солиш учун ихтисослашган база ташкил этишни таклиф қилди.

Музокараларда, шунингдек, 1-пойафзал фабрикасининг фрезеровкачиси **Литвинов**, ихтисослашган тўқимачилик машинасозлиги конструкторлик бюроси бўлимининг бошлиғи **Журавский**, район комсомол комитетининг секретари **Тошхўжаев**, тўқимачилик комбинатининг бош инженери **Остин** ўртоқлар ва бошқалар ҳам иштирок этди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **В. С. Скребнев** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди ва Тошкент шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозида янги клуб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Клуб 800 кишига мўлжалланган катта залга ҳам эга. Суратда: колхоз клубининг кўриниши.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ВА ЮКСАК МАДАНИЯТ ШАҲРИ УЧУН

(ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН)

□ □ □

Чирчиқ шаҳар партия комитетининг навбатдаги пленумида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Ёқубов «Коммунистик меҳнат шаҳри номини олиш учун бошланган мусобақанинг бориши ва уни ташкил этишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Чирчиқликлар 1960 йилда коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри номини олиш учун кураш бошлаган эдилар.

Ана шундан бери ўтган 3 йил ичида шаҳар саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Чунончи, 855 та йирик ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 2 миллион 292 минг сўмлик фойда олинди. 857 хил турли машина ва ускуналар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 1,6 марта, меҳнат унумдорлиги эса 24,7 процентга ошди.

Шаҳарда жамоатчилик асосида ишлаш тобора кенгаймоқда. Шу кунларда шаҳар партия комитетида 6 та жамоатчилик комиссиялари ишламоқда. Саноат корхоналарида 9 та умумкорхона ва 8 та иқтисодий анализ бюролари, 7 та идеология комиссиялари, 6 та сиёсий маориф кабинетлари, ўнлаб конструкторлик бюролари жамоатчилик асосида иш олиб боряпти.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори ўртоқ В. Қодиров ўз нутқида меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг фаолиятини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор беришга чақирди.

Шаҳар комсомол комитетининг секретари Н. Шарипов ёшларни меҳнатда тарбиялаш масаласига тўхталиб, мактабларда техника тўгаракларини кўпайтириш, бу ишга коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари ва зарбдорларини жалб этиш ҳақида гапирди.

«Чирчиксельмаш» заводи касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Т. Ташликов идора хизматчилари ўртасида ҳам коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун мусобақани кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Пленум ишида Тошкент саноат область партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Мусахонова қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри номини олиш учун курашни янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилди.

М. МИРАЗИМОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Тошкентдаги 1-босмахона коллективи КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган ҳолда, зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Йиллик планни илгаригидек 25 декабргача эмас, балки узоғи билан 22 декабргача бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган янги мажбуриятларининг уддасидан чиқиш учун иш суръатини кун сайин тезлаштирмоқдалар.

Айниқса босма цехи меҳнатсеварлари пешқадамлик қилишяпти. Улар корхонада биринчи бўлиб йиллик планни дўндирганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шу давр ичида эса планга қўшимча равишда бирнеча минг сўмлик иш бажарилди. Унда илғор ишчилар Я. Ёқубов, М. Зокиров, С. Мўминов, Т. Зокиров ўртоқларнинг ҳиссалари каттадир. Буларнинг ҳарбири ҳозир келаси йилнинг март ойи ҳисобига ишламоқда.

Босмахона тиниб-тинчимаслари ҳам ижодий изланишни тобора кучайтирмоқдалар. Улар томонидан амалга оширилган таклифлар ҳисобига коллектив деярлик 4 минг сўм фойда кўрди. Брошюра цехининг слесари А. Довженко, муқова цехининг технологи Ольга Лим, механика цехининг слесарларидан Ю. Норбеков ва А. Огневский ўртоқлар сингари новаторларнинг ҳар бири бир неча таклифлар авторидир. Уларнинг ташаббуси билан амалга оширилган тадбирлар ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бермоқда.

Ш. ПИРМУҲАМЕДОВ
Н. ТОЖИБОЕВ,
1-босмахона ишчилари.

ИОНИТЛАР ХИЗМАТИМИЗДА БУЛСИН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасида кўрсатилганидек, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдаги энг катта вазифалардан бири химия саноатини ҳар томонлама ривожлантиришдан, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳозирги замон химиясининг ютуқларидан тўла фойдаланишдан иборатдир. Химия фанини ривожлантириш учун химиявий процессларни тадқиқ этиш, янги, энг мукаммал технология методларини ишлаб чиқиш лозим.

Бу вазифаларни амалга оширишда Тошкент давлат политехника институтининг полимерлар проблемаси лабораторияси ходимлари ҳам озми-кўпми иш қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1958 йилги май Пленуми арафасида институт ҳузурида очилган, техника фанлари кандидати доцент Н. У. Ризаев раҳбарлик қилаётган полимерлар проблемаси лабораториясида ионитларнинг синтези ва халқ хўжалигида ионитларнинг қўлланиши устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ионитлар (ион алмашинувчи, ҳархил бирикмаларни ўзида ютувчи смолалар) халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Чунки, ионитлар ўзларининг хоссалари туфайли турли технологик процессларни соддалаштиради, арзон ва тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Айни вақтда баъзи химиявий моддаларни, озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган хомашёларни турли хил чиқиндилардан ажратиб олиш ва уларни тозалаш имконини беради.

Ҳозирги кунда ионитлар буғ қозонлари учун ишлатиладиган сувни юмшатиш, денгиз ва океан сувларидан энг нодир элементлар: кумуш ва олтинни ажратиб олиш мақсадида ишлатилаяпти. Металлургия саноатининг ювинди сувларидан қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган микроэлементлар: мис, рух, кобальт ва бошқаларни ажратиб олишда ҳам улар қўлланилади.

Бундан ташқари ионитлар фармацевтикада ўсимликлар таркибидаги доривор моддалар: галантамин, сальсолидин, анабазинни ажратиб олишда қўлланади.

Полимерлар лабораториясининг илмий ходимлари вино тайёрлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилардан вино кислотаси ҳосил қилиш мумкинлигини исботладилар. Ана шу кислотани ажратиб олишда ионитлар ёрдамга келади. Бу технологик схема Самарқанд ва Тошкент вино заводлари учун жуда қўл келди.

Бир группа илмий ходимлар деталлар ясашда қўлланадиган замазкалар тайёрлаш устида ишлашяпти. Бу янгиликлар Тошкент ремонт-механика заводида қўлланилди. Бунинг натижасида йилига кўплаб маблағни тежаш имкони туғилди.

Лимон кислотасини ғўза баргидан ва чиқиндилардан олишнинг иқтисодий фойдаси катта. Чунки, яқин вақтгача лимон кислотаси асосан лимон, анор ва тамакидан олиб келинарди.

Ионитларни халқ хўжалигида қўллашнинг аҳамияти катта. Бироқ, республикамизда ионит ишлаб чиқарувчи корхоналар йўқ. Бизнингча, бундай корхонани ишга туширишнинг вақти келиб етди.

Лабораториямиз маҳаллий хомашё бўлган фурфурол ва лигниндан ионитлардан қолишмайдиган ва таннархи анча арзон бўлган янги ионитларни синтез қилишга муваффақ бўлди. Фурфурол ва лигнин жуда арзон моддалар ҳисобланади.

Янги синтез қилинган ионитлар ҳатто сут комбинатлари ташландиғи сут зардобидан сут кислотасини ҳосил қилишда, ғўза баргининг экстракт сокидан лимон кислотасини яратишда ҳам қўлланилмоқда. Шунингдек, янги ионитлардан турли пластиклар олиш мумкин. Шунинг учун бу масала юзасидан илмий-тадқиқот ишлари кучайтириб юборилди.

Ҳозиргача полимерлар лабораториясида фурфурол асосида саккизта янги ионитлар синтез қилинди. Айни вақтда янги турли полимер материаллар олиш давом эттирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми олимлар олдига фойдали ионитларни кўплаб яратиш вазифасини қўйди. Бу кўрсатмага лаборатория ходимлари ҳам амалий жавоб бераётирлар. Бунга ионитлар ёрдамида фосфор тузларидан янги ўғитлар тайёрланаётгани мисол бўлаолади.

П. МАНСУРОВ,
Я. ҒОФУРЖОНОВ.
Тошкент давлат политехника институтининг аспирантлари.

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Область автомобиль трестининг кўпмингкишилик коллективи турли хил халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш ва меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатишда яхши натижаларга эришмоқда. Юк ва пассажирлар ташиш топшириқлари ой сайин ортиғи билан адо этилаяпти.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида пландагидан ташқари 850 минг тонна юк ташилди, 4 миллион 600 минг тонна-километр йўл босилди. Юк ташиш ҳаражатлари анча камайди.

Область автомобиль транспорти ходимлари қўлга киритаётган бундай катта ютуқларда Бекободдаги 16-автобаза, Оҳангарондаги 29-автобаза, Янгийўл, Чирчиқ автобус таксимотор парклари коллективларининг улуши каттадир.

В. ПРИШЧЕПА.

РЕДАКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Ўтган душанба куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлими томонидан чақирилган республика ишлаб чиқариш бошқармалари газеталари редакторларининг семинари ўз ишини бошлади.

Семинарнинг биринчи куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ **А. П. Берлянд** «КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқариш бошқармалари газеталарининг вазифалари», «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори ўртоқ **А. Исмоилов** «Қишлоқ хўжалиги илғор тажрибаларини газета орқали пропаганда қилиш» деган темаларда лекциялар ўқидилар. Иккинчи куни эса «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори ўртоқ **М. Қориев** «Ишлаб чиқариш бошқармалари газеталарида идеология масалаларини ёритиш», «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари ўртоқ **И. К. Костиков** «Оммавий ишларнинг форма ва методлари, ишчи-қишлоқ мухбирларнинг хатларидан фойдаланиш» деган темаларда лекциялар ўқишди.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

У. РАҲИМОВ.

ТЎРТ МАРТА КЎП

Завод рационализаторлари йил охиригача 220 таклиф киритишга сўз беришган эди. Тошкент экскаваторчилари сўз беришдими, унинг устидан чиқишади. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида корхона рационализаторларидан йиллик пландагига нисбатан деярлик тўрт марта кўп таклиф тушди. Уларнинг кўплари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада экскаватор ишлаб чиқаришга сарф бўладиган меҳнат 60 соатга камайди. Корхона 150 минг сўм маблағни тежаб қолиш имкониятига эга бўлди.

Айниқса, 2-механика цехи коллективи янгиликлар жорий қилишда олдинда бораяпти. Е. Чуприн, А. Новикова, Т. Тумский ўртоқлар сингари жонкуярлар ҳозиргача ўнлаб таклиф киритиб, улуғ айём кунига муносиб тортиқлар ҳозирлашди.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

Касаба союзлари Тошкент қишлоқ область Советининг куни кеча бўлиб ўтган III Пленумида «СССР касаба союзлари XIII съездининг якунлари ва Тошкент область касаба союз ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Докладчи — касаба союзлари Тошкент қишлоқ область Советининг раиси С. Мусаев ва музокарада сўзга чиққан кўпгина ўртоқлар етти йилликнинг бешинчи йилида қилинган ишлар ҳамда бундан буён бажарилиши зарур бўлган жанговар вазифалар тўғрисида батафсил гапирдилар.

Областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1963 йилни катта меҳнат ғалабалари билан якунламоқдалар. Она-Ватанга 321 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» ҳадя этилди ва бу соҳадаги мажбурият шараф билан бажарилди.

Кейинги йилларда областда совхоз ишлаб чиқариши беқиёс даражада ривожлантирилди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 1-«Оққўрғон», «Бўка» ва «Чаноқ» совхозларининг меҳнаткашлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳаммани беҳад қувонтириб юборди. Бундай ғалабаларнинг қўлга киритилишида касаба союз ташкилотларининг улуши каттадир.

Касаба союзларининг ишида бир талай ютуқлар билан бир қаторда кўпгина камчиликлар ҳам мавжуддир. Касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқариш новаторларига ғамхўрлик қилишлари, янгиликларни ишлаб чиқаришга тўла жорий этишлари зарур. Лекин бу нарсага етарли аҳамият берилмаяпти. Касаба союз ташкилотларининг ишида меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга ҳамда хўжалик планларини ишлаб чиқишга жалб қилиш масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Бу соҳада «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Чиноз» совхозлари ҳамда 2-Мелькомбинат касаба союз комитетларининг иши мақтовга сазовордир. Бироқ шундай ташкилотлар ҳам борки, уларда ишлаб чиқариш кенгашларининг иши жуда ёмон ташкил этилган. Масалан, Киров номли совхозда (директори Н. Бойметов, ишчилар, комитетининг раиси Пак Се Дин ўртоқлар) шу йилнинг бошидан бери ишлаб чиқариш кенгаши мутлақо ишламади. «Чаноқ» ва «Пискент» совхозларида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин.

Пленум қатнашчилари йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбир-чораларни белгилаб олдилар. Пленумда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг ғолиб пахтакорлари ер ҳайдашга анча барвақт киришган эдилар. Азамат механизаторлар ҳозиргача 1380 гектар майдоннинг деярли ҳаммасини сифатли шудгорлаб қўйдилар. Суратда: сўнгги гектарларни шудгорлаш пайти.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.



Нур Чашмаси



Ўрта Осиё энергетикасининг гиганти—Тошкент ГРЭСи саноат токи берабошлади

Икки ярим йил бурун сиз суратда кўриб турган бу манзарадан асар ҳам йўқ эди. Ҳа, кунлар кетидан кунлар ўтган сайин энергетикамиз гиганти кучга тўлмоқда.

Электр станциянинг биринчи блокини ишга тушириш олдидан. Суратда: инженер А. Березин ва смена бошлиғи А. Хаврин ўртоқлар блок шчитида вахтада туришибди.

МАМАТ АКАНИНГ ҲИКОЯСИ

ҲОЗИР айни оёғингиз остида оппоқ қор ғирчиллайдиган пайт. Лекин декабрь қуёши саҳийлик қилаяпти. Қишнинг бошланиши бўлишига қарамай, аввал баҳор ҳиди анқиб турибди. Енгил шабада эсмоқда. Канал сувида ҳалқа-ҳалқа тўлқинлар.

Ўрта ёш, юзи қуёш тафтида қорайиб, зуваласи меҳнатда пишган, қадоққўлли киши ГРЭС канали устига узала тушиб олган бетон кўприкка яқинлашди. Кўприк устидан бутун манзара яққол кўзга ташланиб туради. Мамат ака негадир ҳар гал шу кўприк устидан ўтиб кетаётганида янги туғилаётган нурхона томонга — баланд корпуслар-у, узоқ-узоқлардан одимлаб келган юқори вольтли электр узатиш таянчларига, кўкка бўй чўзган тутун чиқариш трубаси-ю, тинч оқар Салорга аллақандай ҳавас билан боқади. Кўзи қувнайди. Ахир, ўз меҳнати мевасини кўриб, қувонмасдан бўлармиди!

Бу гал ҳам донгдор бинокорни кўприк устида учратдик. Одатдагидек дарҳол суҳбат бошланиб кетди. Мамат ака бугун негадир тўлқинланиб гапирарди. У ўтмишдан оғиз очди.

—Аслида мен яланғочликман, —деб ҳикоя қиларди у. — Рўпарангиздаги анҳорни кўраяпсизми? Ота-боболарим шу Салордан сув ичиб, деҳқончилик қилиб келишган. Ҳамиша сокин, ҳамиша мавжланиб оқадиган ана шу Салор кўп даврларни бошидан кечирди. Неча-неча авлодларни кўрган бу анҳор! Бироқ ҳеч вақт ҳозиргидек катта воқеа — зўр шодиёналик ва тантанани кўрмаган бўлса керак.

Ҳа, Салор ўз осойишталигини бир умрга тарк этди. Унинг қирғоқларига катта ҳаёт келди. Бундан атиги икки ярим йил илгари бу ерга кўплаб лойиҳачилар, бинокорлар келишди. Бўлажак нурхонани бунёд этишга киришилди.

— «Улкан электростанция қурилармиш»,— деган хушхабарни эшитдиму, мен ҳам шу улуғ ишдан четда қолмай деб қурилишга келдим, — давом этди Мамат ака. — Дастлаб оддий бинокор эдим. Энди коммунистик меҳнат бригадасига раҳбарман.

ГРЭС ўрнида дастлабки қозиқлар қоқилгандан буён қилинган ишларнинг ҳаммасига гувоҳман. Барчаси кўз олдимда бунёдга келди. Куни кеча мамлакатга дастлабки саноат токи — 150 минг киловатт электр энергияси берадиган биринчи блокни фойдаланишга топширдик.

Мамат ака қошларини хиёл чимирди. Бир дақиқа сукут сақлаб нималарнидир эслади. Сўнгра сўзида яна давом этди:

— Хаёл қизиқ нарса. Шу кез отам айтиб берган бир латифа эсга келиб қолди. Мана, сизлар ҳам эшитинглар. «Ўтмишда тирикчилигини косибчилик билан амал-тақал қилиб ўтказиб турган бир камбағал хотинига орзулаб шовла буюрибди. Бироқ шовлани ейиш унга насиб бўлмабди. Чунки хотини биттаю-битта қора пилик чироқни эрининг олдидан олишни эп кўрмай, қоронғу ошхонага кириб овқат суза бошлабди. Шунда у лаганни кўтараман деса қўлига ҳеч нарса илинмас эмиш. Бундай қараса, лаган бу ёқда қолиб, мўридан тушиб турган Ой соясига шовлани сузиб қўйибди. Шунда бечора косиб: «Рўзингни сот, рўшнолик ол» деган экан».

Бу ҳазил, лекин тагида аччиқ ҳақиқат бор. Бемазани емагунча шириннинг қадрига етмайсан, деганлар. Ҳозирги чароғон ҳаётимизни ўтмиш билан таққосламасдан туриб, уни яққол тасаввур қила олмаймиз.

Мамат ака Абдувалиев бекорга латифа айтгани йўқ. Унинг гаплари тагида жон бор. Революция бўронлари ичида чақнаган Ленин ғоялари чоризм зулматини йиртди, бахтимиз тонги отди.

«Коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштиришдир»,— деган эди Ильич. Машҳур ГОЭЛРО плани мазлум халқлар қора кулбасига нур киритди. Эндиликда қора чироқ ўтмишдаги нурсиз ҳаётнинг гувоҳи сифатида тарих музейи тўридан жой олди. Бирин-кетин мамлакатимиз қон томирлари — дарёларда азм ГЭСлар қад кўтара бошлади. Бепоён мамлакатимизнинг ҳатто энг узоқ-узоқ чеккаларини ҳам Ильич чироқлари чароғон қилиб турибди.

Революция туфайли Ўзбекистонга ҳам бахт ва нур келди. Республикамиз фаровон ва чароғон ўлкага айланди. Ленин кўрсатмалари асосида бирин-кетин ишга тушган Фарҳод, Чирчиқ ГЭСлари. Оҳангарон ГРЭСи ўлкамизни нурга тўлдириб юборди. Бироқ коммунизм қуриш учун кўпроқ энергия керак. Шу туфайли Ўзбекистонда Чорвоқ ГЭСи, Оҳангарон ва Тошкент ГРЭСлари ва бошқа нур манбалари қурилмоқда.

НУР ОШИҚЛАРИ

МАМАТ ака ўлкани нурга кўмаман деб олийҳиммат билан ГРЭС қурилишига келган ёлғиз бинокор эмас. Ҳозир электр станция қурилишида жонбозлик кўрсатаётган қарийб икки ярим минг кишилик коллективнинг ҳар бир аъзосини нур ошиғи деяверинг.

Электр монтажчилар Ю. Ерохин ва В. Бонецкийларни олиб кўрайлик. Улар бундан бир неча йиллар илгари Сибирдаги Назаров ГРЭСини қуришда қатнашганлар. Ёш мутахассислар комсомол йўлланмаси олиб Тошкент ГРЭСига келишди. Ҳозир топшириқни уддалашда бу икки азаматнинг олдига тушадигани йўқ.

Бульдозерчи Орол Эрмакбоев ҳам довруғли бинокорлардан. У қурилишга янги келганида комсомол аъзоси эди. Салмоқдор меҳнати, қийинчиликлардан қўрқмаслиги туфайли коллектив ўртасида ҳурмат-эътибор топди. Эл оғзига тушди. Бу йигит ҳозир коммунист. Юксак ишонч Оролнинг ғайрат-шижоатини ошириб юборди. Ер ишларини бажаришда бу моҳир бульдозерчи барчага ибрат-намуна. Л. Свинтицкий ва А. Крючков ўртоқлар раҳбарлигидаги монтажчилар бригадаси аъзоларининг жасорат ва маҳоратларига тан бермасдан бўлмайди. Улар қозонларни ўрнатишда катта ғайрат кўрсатдилар.

Турбогенераторни ўрнатишдек мураккаб ва машаққатли иш ўртоқ А. Козловский бошлиқ монтажчиларга топширилди. Улар бу масъулиятли вазифага сидқидилдан ёндошдилар.

КОММУНИЗМ—СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ВА БУТУН МАМЛАКАТНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШДИР.
В. И. ЛЕНИН.

Энг қийин топшириқни муваффақият билан уддасидан чиқдилар.

Тошкент давлат район электр станцияси— комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилинган. Шу боисдан мамлакатимиздаги турли шаҳарлар, ташкилотлар қурилишга ўз вакилларини юборишдан ташқари уни зарур асбоб-ускуналар ва бинокорлик материаллари билан ҳам таъминлаб туришибди. ГРЭСнинг биринчи блоки учун Таганрогдан буғ қозонлари Харьковдан турбина, Ленинграддан генератор, Запорожьедан кучли трансформатор келди. Рига, Свердловск, Москва, Тошкент корхоналари эса электр станция қурилиши учун бошқа турли хил асбоб-ускуналар етказиб турибдилар

БИРИНЧИ ҚАДАМ

ЭЛЕКТР СТАНЦИЯНИ кўп эмас, бундан икки ярим йил чамаси бурун қуришга киришилган эди. Шундан бери озмунча иш қилинмади. Мана энди биринчи агрегат тайёр! Бу, етти йилликнинг зарбдор объекти қурувчиларининг улкан ғалабасидир.

Бу блок 150 минг киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунча қувватнинг ҳажмини тасаввур этмоқ учун аввало ҳар киловатт-соат электр энергиясининг қудратини билмоқ кифоя. Бир киловатт электр энергияси бир йўла 30 хонадоннинг уйини ёритади.

ГРЭСнинг биринчи блоки етказиб берадиган энергия республиканинг ҳозирги вақтда электр қувватига бўлган етишмовчилигининг ўрнини батамом қоплайди. Кўпгина корхоналар бир ва икки сменаларда ишлашга кўчади. Областимизнинг Чирчиқ, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари меҳнаткашлари ҳозиргидек ҳафтанинг турли кунларида эмас, балки фақат якшанба кунлари дам ола бошлайдилар.

Ўрта Осиёнинг бу энг йирик нур чашмасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда энергия арзон табиий газ ёрдамида олинади. Ҳали Мамат ака турган кўприк остидан ўтаётган сув бош корпус ёнига келгач, қудратли насослар ёрдамида юқорига — қозонхонага кўтарилади. Узоқ Бухородан келган табиий газ ёқилиб, сувдан 570 даража иссиқ ҳароратли ва 140 атмосфера босимга эга бўлган буғ ҳосил қилинади. Қозонхона ҳар соатда 500 тонна буғ тайёрлаб, турбогенераторга узатади. Қудратли босим турбинани ҳаракатга келтиради. Генератор эса ҳосил бўлган токни юқори кучланишли трансформаторга беради. Электр қуввати эса трансформатордан узатиш линиясига ўтиб, юқори вольтли электр симлардан узоқ-узоқларга, Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларига қараб оқади. Минглаб хонадонлар чароғон бўлади, янги-янги станоклар ҳаракатга келади. Шу туфайли Тошкент ГРЭСини қудратли саноатимизнинг дармони десак бўлади.

Икки ярим йиллик тинимсиз меҳнат катта ғалаба келтирди: биринчи блок муваффақиятли қуриб битказилди. Шу сабабли бугун нурчиларнинг кўкраги тоғдек баланд. Эл-юрт олдида юзи ўзи яратган нурдек ёруғ. Бутун халқ уларни олқишламоқда, замонамиз фарҳодлари шаънига мадҳиялар ўқилмоқда. Бундай эъзозлар, иззат-ҳурматлар ҳар бир бинокорнинг билагига қувват, дилига тилак беради, янги қаҳрамонликлар, меҳнат зафарлари сари етаклайди.

Биринчи муваффақият қўлга кирди, дедик. Ҳа, шундай. Бу, биринчи қадам, холос. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Навбатда янги блоклар турибди. Ҳозир бир томонда байрам — нурхона яратувчилар дастлабки ғалабани нишонламоқдалар. Иккинчи томонда: навбатдаги ишларга қўл урилди. Иккинчи блок қурилиши жадал бошлаб юборилди. Аллақачонлар қаддини тиклаган бош корпус биқинида ҳозир бинокорлар қўлни-қўлга теккизмай меҳнат қилишмоқда. Ер ишлари бажариб қўйилган. Йиғма темир-бетон конструкциялар монтажи тугалланди. Бу ерга бинокорлик материаллари, турли хил асбоб-ускуналар ортиб келаётган машиналарнинг кети кўринмайди. 70 вагондан ортиқ буғ қозонлари, турбиналар, генератор каби ускуналарнинг қисмлари станцияга келтирилди. «Ўзбекгидроэнергострой»нинг «ТашГРЭСстрой» бошқармаси ва ўнларча пудратчи қурилиш ташкилотлари ҳозирданоқ қозонларни монтаж қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб бормоқдалар.

Мамат Абдувалиев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари яна олдинги сафда. Р. Эргашев, М. Нуриддинова, Р. Жукова, Р. Глемшина каби пешқадамлар қаҳрамонлик саҳифаларининг янги бобини очмоқдалар. Улар энг қийин участкада ишлашаяпти: насосларга келиб уланадиган сув қувурларини ўтказиш учун траншеялар тайёрлашмоқда.

ЭНЕРГЕТИКАМИЗ ЖАМОЛИ

БИР миллион 200 минг киловатт! Станциянинг лойиҳада тасдиқланган қуввати ана шундай. Бу, ҳозирча Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Оҳангарон ГРЭСининг қувватидан икки бор ортиқроқ.

Ҳозир биринчи навбатнинг биринчи блокигина ишга тушди. Келаси йили иккинчи блок ҳам тўла ишга тушиб, учинчисининг мустаҳкам пойдевори ётқизилади. Ҳар бири 150 минг киловатт қувватга эга бўлган тўрт блок биргаликда ГРЭСнинг биринчи навбатини ташкил этади. Иш бу билан тугамайди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми янада кенгайтирила бориб, иккинчи навбатда ҳар бири 300 минг киловатт қувватга эга бўлган яна иккита блок ишга туширилади.

— Станция лойиҳасининг деярлик барча элементлари Ватан энергетика саноатининг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган, — деб ҳикоя қилади «ТашГРЭСстрой» бошқармаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ Д. Руба.— Қозонлар, турбиналар, генератор ва бошқа механизмлар цехсиз корхона деб аталган принцип асосида очиқ майдонда жойлаштирилади. Турбина ва генераторларнинг зал ўқига нисбатан узунасига эмас, кўндалангига жойлаштирилиши ишлаб чиқариш майдони ҳажмини анча қисқартиради. Технология ускуналарининг шундай тақсимланганлиги ва техникани сув билан таъминлашнинг рационал ҳолда ҳал этилиши бу ерда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг таннархи бошқа теплоэлектростанциялар ёки гидроэлектростанциялардагига нисбатан кўп баравар арзон бўлишини таъминлайди. Станциянинг ҳамма агрегатлари блок шчитларидан бошқариладиган бўлади. Ишлаб чиқариш процесслари автоматлаштирилади.

Энергия ишлаб чиқариш усули, ўрнатилаётган асбоб-ускуналарнинг салмоғи, ҳосил қилинадиган электр қувватининг миқдори жиҳатидан Тошкент ГРЭСи Ўрта Осиёда ягона дейиш мумкин. 1970 йилга бориб бу улкан нурхона батамом ишга тушади.

Нур яратувчиларнинг ҳиммати ғоят баланд. Улар ғайрат-шижоатга тўлиб меҳнат қилишаяпти. Самарали меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. Йиллар ўтади, Тошкент ГРЭСи ўсиб-улғайиб, инсон кафтида камолатга етади. Шунда у Ўрта Осиё энергетика системасининг жамолига айланади, чинакам нур чашмаси бўлиб қолади.

Ш. КОСИМОВ,
Т. МИРҲОДИЕВ,
Ж. НОСИРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

Қуйидаги факт ва рақамлар Тошкент ГРЭСининг нақадар йирик қурилиш объекти эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

❀ **ГРЭС территорияси 125 гектар майдонни эгаллайди.**

❀ **Биринчи агрегатни қуришда деярлик барча миллат вакилларидан 2500 бинокор иштирок этди.**

❀ **Қурилишда 5 экскаватор, 6 бульдозер, 6 автокран, 150 дан ортиқ юк автомашинаси, 6 та минора крани, 7 та ҳавозали кран ишлади.**

❀ **Ҳозирга қадар деярлик бир миллион кубометр ҳажмда ер ишлари бажарилди.**

❀ **40 минг кубометр ҳажмда темир-бетон буюмлари ишлатилди.**

❀ **Фақатгина биринчи блокнинг қозонхонасига ишлатилган металл конструкциялар миқдори 2800 тоннага тенг.**

❀ **Турбоагрегатнинг оғирлиги 1000 тонна келади.**

❀ **Тутун чиқариш трубасининг бўйи — 120 метр.**

❀ **Қозонхона соатига 500 тонна буғ етказиб беради.**

❀ **Биринчи блок турбинаси минутига 3000 марта айланади.**

Неля СКРИПНИК,
турбина цехи созловчиси:

— Монтажчилар ва бинокорлар меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бу хилдаги электр станция Ўрта Осиёда энди қурилаётгани, ҳали тажриба камлигига қарамай биринчи турбоагрегат бекамикўст монтажланган. Ускуналарни созлаш пайтида бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Монтажчиларга катта раҳмат!

ЗАФАРЛИ КУНЛАР ҚИССАСИ

Сўнгги бирнеча кун Тошкент ГРЭСи коллективи учун долзарб, асосий синов даври бўлди. Азаматлар ҳар бир агрегатни тез ва соз тайёрлаш учун кунни тунга улаб, вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилдилар. Барча асосий операциялар соат-соатигача ҳисобланган ҳолда тузилган махсус график асосида бажарилди. Ишнинг бунчалик аниқ ва яхши ташкил этилганлиги катта вазифаларни қисқа муддат ичида тугаллаш имконини берди. Мана у қаҳрамонликка гувоҳ бўлган зафарли кунлар:

28 ноябрь — машина заллари ва таъминлаш узеллари пардозланди;

29 ноябрь — қизитгич агрегатлари монтажи тугалланди;

30 ноябрь — блок контроль-ўлчов асбоблари тўла тўкис ускуналанди;

1 декабрь — қозонлар ювиб бўлинди;

3 декабрь — турбина, турбопровод ва қозонларни изоляциялаш тугалланди;

4 декабрь — асосий буғ трубалари синаб кўрилди;

11 декабрь — блок комплекс синовдан ўтди;

13 декабрь — биринчи турбогенератор сўнгги синовга қўйилди.

16 декабрь — блок Ўзбекистон энергетика системасига уланди.

Асқар СУЛТОНОВ,
монтажчи-слесарь:

— Ёз ойлари ҳаммамизнинг ёдимизда: электр станциянинг биринчи агрегати қурилиши графикдан анча орқада қолган эди. Қолоқликдан чиқишнинг иложи йўқдек кўринарди. Бироқ коллективимизнинг пўлат иродаси қийинчиликларни мардонавор енгди. Энди эл-юрт олдида юзимиз нурдек ёруғ.

Борис ЛИТВИНОВ,
электр пайвандчи:

— Мен ўз касбимни, ишимни жуда севаман. Ўлкамизнинг янги нурхонасида анча ишладим. Бу ерга бошқа қурувчи ва монтажчилар қатори менинг ҳам меҳр-муҳаббатим пайвандланиб қолди. Шунинг учун чексиз бахтиёрман.



Жабборали ҲАСАНОВ,
монтажчи-слесарь:

— Боғбон ўзи етиштирган мева билан дўстини меҳмон қилганида нақадар қувонади. Биз ҳам меҳнатимиз самараси — электр станциянинг нур оқими неча минглаб хонадонларга чироқ ёқса, янги дастгоҳларни ҳаракатлантирса, шунчалик хурсанд бўламиз.

М. Нуриддинов фотолари.

ОШ БЎЛСИН!

Суратда: қўли ширин ошпазлардан — ўртада ёш уста ошпаз Рустам Уразбоев, ўнгда устози Ориф Турсунов, чапда шогирдларидан Нуриддин Султонов ўртоқлар.

А. Абалян фотоси.

— Яна одам бермасангиз, бўлмайди. Улгуролмаймиз.— «Тошкент» ресторанининг директори хонасида икки оёғини бир этикка тиқиб, ўзиникини маъқулларди бир ошпаз. —Ахир юз эмас, икки юз эмас, минг киши-я, минг киши. Ўзингиз ўйланг...

— Ўйланг, ўйланг! Ортиқча куч бўлсайкан, мана олинг десак! Сиз бир йиғилишда хизмат қилсангиз, бу ердаги пазандалар ҳаммага таом етказиб беришлари керак...

— Хунобгарчиликнинг ҳеч ҳожати йўқ! —деди ҳозиргина хонага кирган йигит. Суҳбатдошлар ялт этиб унга қарашди. Ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, кўзларидан ўт чақнаб турган азамат, ўзига боқиб қолган директорга мурожаат қилди:

— Бу ишга, агар хўп десангиз биз, Баҳодир Зияев, Нуриддин Султонов, Бахтиёр Оқиловлар уриниб кўрсак...

Ресторан директори Ў. Отабековнинг кўз ўнгида енгларини шимариб олган, эпчил Рустамнинг Москвада XXII съезд делегатларига, Тошкентда ўтган неча-неча катта йиғин қатнашчиларига елиб-югуриб хизмат қилиб юрганлари кўриниб кетди, қулоқларига унинг хўрандаларга қилаётган ширин муомаласи, ёқимли овози эшитилгандай бўлди. Ҳалиги ошпаз бўлса калласини тескари буриб, заҳарханда билан «чиранишини қара-я» дегандек «ҳимм» деб қўйди. Ўртага сукунат чўкди. Ҳамма ўзича мулоҳаза юритиб кўрди. Ўз фикри тафтида турган ёш ошпаз эса хаёлида ким қайси таомни пиширишини тақсимлар, паловга қанча, лағмонга қанча ва бошқа овқатларни тайёрлашга қанча вақт кетишини ҳисоблаб ортиб ёки етмай қолмаслигини ўйлар эди. Ҳалиги пазанда бўлса ўз гапидан ўзи хижолат бўлди шекилли, ўзига-ўзи: биронта катта йиғилиш йўқки унда «Тошкент» ресторани хизматчилари бормай қолмаган бўлсин. Шуни билатуриб, нега энди тихирлик қилдим. Рустамнику биламан, абжир йигит. У бош ошпаз Ориф Турсуновнинг шогирди бўлади-ю, уддасидан чиқа олмайдиган ишга уринармиди! Шуни билатуриб «ҳимм» деб кесатганим нима қилганим бўлди. Шу пайтгача улкан маъракаларни оз куч билан, тежаб-тергаб кўнгилдагидек ўтказиб келган Рустам, бу сафар ҳам боплайди. Майли борсин. У уста. Ҳа, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳам унга «Уста ошпаз» унвонини беҳудага бермаган. Ҳа, майли борсин! У, сўнгги сўзларни, беихтиёр овозини чиқариб айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бир зумда ўтган хаёл парвозини қаранг. Қанчадан-қанча ўтмиш, ҳозирги ҳаёт, ҳамкасблар иши эсга тушмади, баҳоланмади. Шу онда, Рустамнинг юзи янги фикрдан лоларанг олди.

— «Кўнгилларига келади демай, биз ҳам борамиз, деб юбордик уста, айбга буюрмайсиз. Мен, шунчаки айтдим қўйдим-да. — У директорга қараб, деди, — ўзлари бориб, яхшилаб ўтказиб берадилар!..

— Шундай қилмасалар ҳам бўлмайди-да,— маъқуллади директор.

— Ўзингиз биласиз уста,—деди директор сўзида давом этиб, ресторанимизда хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам овқатланишади. Мана бу китобга қаранг. — У зангори ранг духоба жилдли катта дафтарни кўрсатди. Унда Европа, Осиё, Африка мамлакатларидан Ўзбекистонга келган, Совет Иттифоқида яшовчи кишилар ресторан таомларидан, ходимларнинг чаққон ва ёқимли хизматидан мамнун бўлганликларини ёзиб қолдиришган.

— Тўғрими! — сўзида давом этди директор дафтардан кўзини узиб, — ахир бу сиз билан бизнинг обрўйимиз эмасми? Ҳозир Ориф ака дам олишда, шундай экан бу ерда Рустам бош-қош бўлиб турмаса бўлмайди. —Раҳбар ошпазга гап уқтирар экан, унинг «бош-қош» деган сўзлари кишини хурсанд қилди.

Ёш, ёш бўлса ҳам республикадаги энг катта, ҳар куни бир ярим минг кишидан кўпроқ хўранда овқатланадиган ресторанга бош-қошликка қодир уста ошпазнинг ҳаёт йўлига қизиқиб қолдик. Гулдан-гул, булбулдан-булбул деганларидек Рустамжон, кекса атоқли ошпаз Юсуф ота Уразбоевнинг ўғли экан. Дунёга келиши биланоқ, кўз очиб, отасининг қўлида капкирни кўрган ўғил, эсини таниши биланоқ ўзини оташга-ю, қозонга урган экан. 29 га кирган бўлса ўн тўрт йилдан буён ошпазлик қилиб келади. Ишқибозликни қарангки, ўзбек миллий таомларини тайёрлашни отасидан, Ориф ака Турсуновдан пухта ўрганиб олган Рустам, аввал Тошкентда собиқ «Ўзбекистон» кафесида Иосиф Козелдан, сўнгра Москвада бир йиллик ошпазлар мактабида таниқли рус пазандалари Салов, Никашин ўртоқлардан европача овқатлар қилишни ўрганиб олган. Москваликлар унинг қўлидан неча-неча хил таом еб, тасанно деганлар. Улуғ пойтахтнинг «Ўзбекистон», Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ресторанларида ҳаракатчанг, тиниб-тинчимас қўли ширин Рустамни ҳали-ҳали эслашади, ишга келишини сўрашади.

Ёш, моҳир ошпаз янги-янги мазали таомлар ижодчиси ҳамдир. Унинг С. Қосимов, О. Турсунов билан ҳамкорликда ўйлаб чиқарган овқатлари —қовурма лағмони, қовоқдан қилган хилма-хил сомсаларини хўрандалар иштаҳа билан тамаддиқ қилмоқдалар. Ресторанда хўрандаларга маданий, кўнгилли, тез хизмат кўрсатишга оид ҳар қандай таклифнинг амалга оширилишига, ошпазларнинг янгиликлар ўйлаб топишларига кенг имкониятлар яратиб берилган.

— Маъқулми, —деди бошлиқ сўзини тугатаркан, ҳалиги ошпазга. Бу сафар, йиғилишни, ўзингиз яхшилаб ўтказиб берасиз...

Шу тобда официанткалардан бири директорга, залда хўрандалардан бири сўраётганлигини айтди.

— Айбга буюрмайсиз, — деди меҳмон, —анчадан буён овқатни бугундагидек иштаҳа билан емаган эдик. Пазандасига бизнинг номимиздан ташаккур айтиб қўйсангиз. Малоллик келмаса, ўзлари билан ҳам бир кўришсак.

— Раҳмат, марҳамат мен ҳозир айтаман. Залда Рустам кўринди.

— Тасанно, дўстим, овқатдан хурсанд бўлдик, ёшанг. Ҳа, айтгандек, бунчалик ширин бўлишининг сирини икки оғиз айтиб бермайсизми!

— Сириними, — деди ўзига хос чиройли кулимсираб Рустам, —сири — меҳнат! Ҳа, уста бастакор соз танламагандек, яхши ошпаз ҳам масаллиқ саралаймайди. Борига барака киритиб эринмай, қунт билан қилинса ҳамма овқат ҳам ширин бўлаверади.

— Яшанг ука, шу гапингизга яна биттадан қовурма лағмондан берасиз, энди!

— Хўп бўлади, ош бўлсин!

Расул РАҲМОНОВ.

ИККИ ШЕЪР

ҚИРЧИЛЛАМА АЁЗ

Қирчиллама аёз, қиш чилласидан
Ариқларда тўнган музлар биллури.
Тизза бўйи қордан—ер тилласидан
Юзни елпиб ўтар юрак ҳовури.
Ғирчиллайди йўлда оёқ қўйсанг
қор,
Мактаб ҳовлисида авжи қор
бўрон...
Мудроқ далаларда янгича виқор,
Худди тўплагандай дам олиб,
дармон.

УЧРАТГАНМАН ҚАЕРДА УНИ

Мирзачўлда бадқовоқ оқшом,
Далаларда қанот ёзган дам.
Қора осмон худди тешик том
Ёмғир элар, ёғар мунча ҳам.
Шундай пайтда кимдир мен томон
Йўлни кесиб, келар эди тик.
Кийиб олган пахталик чопон,
Оёғида оғир керз этик.
Салом бериб, сўради: — меҳмон,
Кўрдингизми раисни йўлда!
— Йўқ, — дедим, сўнг,
сушилкаданми?
Нотинч эди, дарди кўнглида.
— Ҳа, ўшатдан, — деди у аранг,—
Тракторнинг тинди нафаси...
Ёмғир ёғиб, бошимиз гаранг,
Туриб қолди колхоз пахтаси.
Унинг юзи таниш кўринди,
Учратганман, қайда, қай куни.
Хаёлларим тўзғиб бўлинди,
Ҳа, кўрганман урушда уни...

НАЗАРМАТ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«АЛЛО... ЎРТОҚ КОМАРОВМИ?»

Газетамизнинг шу йил 29 ноябрь сонида босилган «Алло... Ўртоқ Комаровми?» сарлавҳали «Уртўқмоқ» материалида шаҳар телефон станциясининг бошлиғи Комаровнинг ножўя ишлари танқид қилинган эди. Шу муносабат билан редакция газетхонлардан кўплаб қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилган хатлар олиб турибди. Биз қуйида ана шу хатлардан баъзиларини босдик.

САРСОНГАРЧИЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Мен «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1963 йил 29 ноябрь сонида босилиб чиққан «Алло... Ўртоқ Комаровми?» сарлавҳали фельетонни бир неча марта ўқидим ва ҳаққоний танқиддан қувондим.

СССР темирйўллар министрлигининг буйруғига асосан менинг уйимга телефон ўрнатилиши керак бўлиб қолди. Шунга биноан 1957 йилда телефон ўрнатиш ҳақида ариза берган эдим. Мана 1964 йилнинг арафасида турибмизу ҳануз бирон натижага эришолганимча йўқ. Ҳозирги кунга қадар менинг ўндан ортиқ аризам шаҳар телефон станциясининг архивида моғор босиб ётибди. Охири, яъни 1963 йилги аризам, алоқа министрининг ўринбосари ўртоқ В. Йўлдошевнинг «кўриб чиқиб, телефон ўрнатилсин» деган резолюцияси билан яна кирса чиқмас архивга тушиб кетди. 1960—1961—1963 йилларда шаҳар телефон станциясининг техниклари бир неча бор келиб линияларни кўришди ва ҳаргал «яқин кунларда уйингизга телефон ўрнатилади» деган баландпарвоз ваъдани бериб кетишди. Уч марта «техник имконият йўқ», «у йўқ, бу йўқ» деган жавоблар олдим. Шундан бери «касалманд» телефон дардига «шифо» излаб юрибман.

1960 йилда юқори ташкилотлар шаҳар телефон станциясининг ариза ва шикоятлар бўйича қандай ишлар қилаётганини текшириш учун комиссия юборди. Менинг аризаларим комиссия томонидан кўрилди. Станция техниклари яна уйимга келишди-да, телефон ўрнатилади, деган қарорга келишди ва иш бошлашни тавсия этишди. Афсуски, бу қарор ҳам ўз қобиғига ўралиб, ҳеч кимни ишга сололмади.

Ўртоқ Комаров ҳузурида қачон бўлманг, «хўп бўлади» дейдию, лекин амалий ишдан нажот йўқ. Хўш, ахир сарсонгарчиликнинг чеки борми? Комаровнинг «хўп бўлади»сини яна қачонгача эшитиш мумкин.

А. ШОАБДУРАҲИМОВ,
Ўрта Осиё темир йўли пассажирлар ташиш хизматининг бошлиғи.

ЙЎЛИ ҚАНАҚА?

Ҳурматли редакция! Шопайзиқулоқ массивида телефон станцияси қурила бошлаганига 3 йилдан ошди. Мен ана шундан фойдаланиб кўп қатори уйга телефон ўрнатиш ҳақида шаҳар телефон станциясининг бошлиғи ўртоқ Комаров номига ариза берган эдим. Афсуски, мен ёзган ариза ҳадемай икки ёшга тўлади. Бу орада мен арз қилиб бормаган ташкилот, кирмаган эшигим қолмади. Қўйингчи бир неча пойафзалдан ажралсам-ажралдимки, лекин ҳеч қандай натижа чиқара олмадим.

Қизиғи шундаки, бу станция фойдаланишга топширилгандан сўнг кўп ўтмай ўртоқ Комаров шу атрофдаги 15—16 хонадонга қандайдир «сир» билан тезликда телефон тушириб ҳам берди. Бизгачи?.. Ҳа, ана шунисига лоқсанда, киши.

Яқинда мен «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Алло... ўртоқ Комаровми?» сарлавҳали фельетонни ўқиб, шундай фикрга келдим. Ҳурматли «Уртўқмоқ». Ўртоқ Комаровга яна бир телефон қоқиб, икки йилдан буён сарсон бўлиб юрганлар уйига ҳам телефон ўрнатишнинг иложи борми? Иложи бўлса йўли қанақа? десанг. Шуни билиб берсанг. Сенга оиламиз номидан илтимос шу.

М. МИРАЪЗАМОВ,
шахсий пенсионер.
Улуғбек кўча, проезд Бекзот.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ҲИНДИСТОН-СОВЕТ ДУСТЛИГИ МИТИНГИ

ДЕҲЛИ, 17 декабрь. (ТАСС). Деҳли муниципалитетининг қабул маросимлари ўтказиладиган зали чиройли қилиб безатилган. СССР ва Ҳиндистоннинг давлат байроқлари залнинг тўрига ўрнатилган. Бу байроқлар ўртасидаги катта транспарантга «Ҳиндистон-Совет дўстлиги кўп йиллар яшасин!» деган сўзлар ёзилган.

Маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон-Совет жамиятининг ташаббуси билан шу залда митинг ўтказилди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилиш совет жамиятлари союзининг ёзувчи В. М. Кожевников бошчилигида Деҳлига келган делегацияси ва Совет-Непал дўстлиги жамиятининг раиси ҳамда Москва университети проректори Н. И. Мохов бошчилигида Непалга бораётган делегацияси Деҳлига келганлиги муносабати билан ўтказилган бу митингни Ҳиндистон-Совет жамияти Деҳли бўлими раисининг ўринбосари Амир Чанд очди.

Амир Чанд совет меҳмонларини Ҳиндистон жамоатчилиги номидан қизғин табриклади. «Яқинда биз, дейди у, совет космонавтларини ўз ҳузуримизда қабул қилишга мушарраф бўлган эдик. Энди биз Совет Иттифоқининг вакиллари билан яна учрашиш шарафига муяссар бўлдик».

Сўнгра, ёзувчи В. М. Кожевников ва бошқа совет меҳмонлари сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини табрикладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги аъзолари

НЬЮ-ЙОРК, 17 декабрь. (ТАСС). Занжибар ва Кенияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиш тўғрисида Хавфсизлик Кенгашининг тавсияларини кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси якдиллик билан тасдиқлади.

Африкадаги иккита янги мустақил давлатнинг миллий байроқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдидаги флагштокларга кўтарилди.

ТИНЧЛИКСЕВАР КИШИЛАРГА ЧУҚУР ИШОНЧ

ПАРИЖ, 17 декабрь. ТАСС мухбири Ю. Лопатин хабар беради:

Шу кунларда Франция меҳнаткашлари Москвадан келаётган хабарларни алоҳида эътибор бериб кузатмоқдалар. Франция Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари Бенуа Фрашон мухбиримиз билан суҳбатда, Совет Иттифоқида ҳарбий харажатлар келгуси йилда қисқартирилиши тўғрисидаги хабарни эшитиб, мамнун бўлдик, деди. Биз, деди у, империалистик мамлакатларда «қутурганлар» урушга тайёргарлик кўраётган шароитда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз мудофаасини таъминлашни ўзларига бурч қилиб олганликларини ва социалистик мамлакатларнинг халқлари ўзларининг мана шу бурчларини бажараётганликларини яхши биламиз. Партия ва СССР ҳукуматининг бу қарори уларнинг тинчликсевар кучларга бўлган чуқур ишончидан далолат беради, бу кучлар бутун дунёда кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётир.

Совет халқларининг турмуш даражасини муттасил ва тез ошириш йўлида ҳамиша олға бораётган СССРнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган қарорлар ва чораларни, деди Бенуа Фрашон, бутун дунёда меҳнаткашларнинг турмушини яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кишиларнинг ҳаммаси қизғин қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар.

Демократик ЮФИ агентлиги СССР Олий Совети сессиясининг иши тўғрисида ҳамда СССРнинг 1964—1965 йилларга мўлжалланган давлат планининг ва бюджетининг лойиҳаси ҳақида депутатларга тақдим қилинган докладлар тўғрисида хабар бериб, қуйидагиларни ёзади: «Бу нарса социалистик экономиканинг имкониятларини кўрсатувчи янги далилдир. Ишлаб чиқаришнинг мислсиз юксалиши фақат халқ бахт-саодатига хизмат қилдирилади. Умуман бутун социалистик экономиканинг мақсади халқ фаровонлигини таъминлашдир. Бу нарса Совет Иттифоқининг тинчликсеварлигини кўрсатувчи яна бир янги далилдир.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ВАШИНГТОН, 17 декабрь. (ТАСС). Совет Иттифоқининг 1964—1965 йилларга мўлжалланган янги бюджети Вашингтон газеталарининг эътиборини жалб қилмоқда. «Дейли ньюс» газетаси уни «Бутун тинчлик йиллари давомида мисли бўлмаган» бюджет, деб айтмоқда. Совет Иттифоқи, деб ёзади газета, аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда, химия саноатини ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 24,7 миллиард сўм пул ажратади.

Вашингтондаги «Стар» газетаси янги совет бюджети тўғрисидаги хабарни «Совет ҳарбий бюджети 666 миллион доллар қисқартирилди» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

ХАЛҚАРО ТИНЧ ҚУЁШ ЙИЛИ

Келгуси йил математик ва физик олимлар учун чинакам имтиҳон йили бўлади. Ҳа, 1964 йилнинг биринчи январидан бошлаб Халқаро Тинч Қуёш йили ўтказилади. Бу тадбир илмий жиҳатдан ғоят катта аҳамиятга эга. Жаҳон олимлари халқаро геофизика йили каби Тинч Қуёш йили тадқиқотларини муваффақиятли якунлашга яқиндан бош қўшадилар.

Мазкур халқаро илмий ҳамкорликда ўзбекистонлик олимлар ҳам актив қатнашадилар. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида Тинч Қуёш йили бўйича илмий комитет ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. И. Губин бу комитетга раҳбарлик қилади.

Илмий комитет бўлажак тадқиқотларнинг кенгайтирилган программасини ишлаб чиқди. Ана шу программага мувофиқ ўзбекистонлик олимлар қуёш активлиги ва ер магнити бўйича кузатиш ишларини олиб боришади. Тадқиқотлар академиянинг В. И. Романовский номли Математика институти ва Тошкент астрономик обсерваториясининг илмий ходимлари томонидан амалга оширилади.

А. АКБАРОВ.

Москвадаги Ленин орденли Давлат академик Малий театрнинг артистлари пойтахтимизда бир ҳафта меҳмон бўлдилар. Улар ижро этган Эстон драматурги Э. Раннетнинг «Браконьерлар» номли спектаклини ўн икки мингдан ортиқ киши келиб кўрди. Суратда: спектаклдан бир кўриниш. Рассом Ааадам ролида СССР халқ артисти Б. А. Бабочкин, ўрмон назоратчиси Яагуп ролида СССР халқ артисти М. И. Жаров, Месла ролида РСФСРда хизмат кўрсатган артистка Р. Д. Нифонтова.

С. Коган ва К. Ромеевлар фотоси.

ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИДА

Пойтахтимизнинг Чилонзор районн қиёфаси тобора ўзгариб, кўркамлашиб бораётир. Район территориясини ободонлаштириш ишларида жамоатчилик актив иштирок этмоқда. Масалан, «Янги обод» маҳалласидаги активларнинг куч-ғайрати билан бир неча озиқ-овқат дўконлари, сартарошхона ва бошқа хил бинолар қурилиб, ишга туширилди.

Бу ерда аҳолининг ёрдами ва ташаббуси билан кўп кишилик янги клуб биноси қуриб битказилди. Уни қуришда маҳалланинг Н. Зияев бошлиқ активлари, кекса пенсионерлардан М. Халилов, А. Умаров, И. Ғафуров ўртоқлар ҳамда ёшлар намуна кўрсатиб ишладилар. Маҳалла аҳолиси улардан ғоят миннатдор бўлмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Максим Горький эртаклари** (болалар учун), 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — КПСС МК Пленуми қарорлари амалга оширилади. **Химиянинг келажак ижодкорлари**, 19.00 — **Николас Никльбининг ҳаёти ва саргузаштлари** номли бадиий фильм.

20.30 — **Эртанги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 **Сурхондарё далаларида**, 21.05 — **Иблис макони** номли телевизион фильмнинг 2-серияси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Кулган киши**, 19/XII да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18 /XII да **Гамлет**, 19/XII да **Номаълум киши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18, 19/XII да **Хожи Каримнинг ойга учиши.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР ва Доғистон АССР халқ артисти **Я. Гажиқурбонов** раҳбарлигида **Доғистон цирки артистлари гастроли** ва **Дун Цин-фу** раҳбарлигида **Оригинал аттракцион.**

КИНО

Самолётлар қўнолмади — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, 11-45 минут, кеч 5 ва 8-20 минутда), НАВОИЙ номли (ўзбек тилида кундуз ва кечқурун).

Мангулиҳдан кейинги уч кун— «ВАТАН» (кундуз соат 1 ярим, 3-05, кеч 6-45 ва 10-05 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси одамларга қолади — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Казимир — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

1 январдан 12 январгача

„ЦИРКДА АРЧА"

КАТТА ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Диссертация ёқлайдилар

1963 йил 27 декабрь кундуз соат 3- да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, КПСС тарихи кабинети, 36-аудитория):

Д. К. Халова — иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Туркманистонда колхоз социалистик мулкининг келиб чиқиши ва коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда ривожланиши» деган темада.

К. Омонов—тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1956—1961 йилларда ишлаб чиқариш-техника интеллигенциясини тайёрлаш ва тарбиялаш учун кураши» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1963 йил 28 декабрь кундуз соат 2 да. Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети советида техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Б. У. Узоқпаев: «Рамаларни устиворликка тахминий ҳисоблаш усуллари» деган темада.

Ш. С. Каримов: «Баъзи бир мураккаб рама системаларини мустаҳкамлик, устиворлик ва тебранишга ҳисоблаш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Якуб Колас кўчаси, 16-уй).

1963 йил 28 декабрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, КПСС тарихи кабинети, 36-аудитория):

С. Содиқов — тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон Коммунистик партияси коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган даврда республикада олий техника ва қишлоқ хўжалик таълимини ривожлантириш учун курашда (1959—1962 йиллар)» деган темада.

Г. Г. Добудогло — иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Суғориладиган ерларнинг иқтисодий баҳоси» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

„Тошкент ҳақиқати"га 1964 йил учун обуна БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!



ОБУНА БАҲОСИ:

1 ойга 44 тийин.
3 ойга 1 сўм 32 тийин.
6 ойга 2 сўм 64 тийин.
12 ойга 5 сўм 28 тийин.

ЭСЛАТМА: обуна бўлаётганингизда саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича алмашинадиган саҳифаларнинг қайси бирига ёзилишингизни кўрсатинг!

Тошкент шаҳар, Каблуков кўчаси, 54- уйда турувчи **Ляйля Аҳметовна Каримованинг** Қуйлик посёлкаси, Горький кўчаси, 120-уйда турувчи Усмон Галимжоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Олмазор кўчаси, 3- уйда турувчи **Озод Қорабоевна Самбекованинг** шу уйда турувчи Эркин Ҳусаинович Самбековдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари—25885. Масъул секретарь —34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими—31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими—33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими—33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 14937. Индекс. 64695. Нашр. № 1746.